

<i>Муассаса номи:</i>	Адлия вазирлиги юридик техникумлари
<i>Таркибий бўлинма номи:</i>	Бошқарув ходимлари
<i>Танлов босқичи:</i>	Суҳбат
<i>Савол йўналиши:</i>	Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар (казус) (30 та)

1. Бўш иш ўринлари учун эълон қилинган танловда иштирок этганлар орасидан бир номзоднинг ҳужжатлари қабул қилинмаслиги маълум қилинди. Номзод томонидан мазкур ҳолат юзасидан асос сўралганда унинг сўровига тегишли ҳужжатлар кўрсатилмади. Фуқаро ушбу масалага оидинлик киритиш мақсадида судга мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

2. Муассасага тегишли бўлган техникага ходим томонидан зарар етказилди. Уларнинг ушбу ҳаракати маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиб, тегишли маъмурий жазо белгиланди. Бироқ ходимлар ўзларининг жанжали натижасида етказилган зарарни қоплаб беришдан бош тортди. Муассаса раҳбарияти ушбу ҳолат юзасидан маъмурий судга мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

3. Ходим М.Асланов ишга қабул қилинаётганда унинг вазифалари Кадрлар бўлими ва бўлим бошлиғи томонидан тўлиқ тушунтирилди. Ходимнинг шартномасида меҳнат фаолиятидан ташқари техникум фаолиятига тегишли ишлар ҳам шарт қилиб кўйилган эди. Бироқ ходим ҳар гал ўзига белгиланган вазифаларни талаб этилган даражада бажарсада, техникум фаолиятига тегишли ишларни бажармай келаверди. Ходим бунинг учун огоҳлантирилганига қарамасдан, вазият давом этаверди. У ўз йўналишидаги вазифаларни аъло даражада бажараётганини, қолган шартларни иш берувчининг талаб этишга ҳуқуқи йўқлигини иддао қиларди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

4. Фуқаро А.Азизов техникумга дастлабки синов шarti билан қабул қилинди, бироқ, орадан 6 ойга яқин муддат ўтган бўлса ҳам у билан ишга қабул қилиш бўйича меҳнат шартномаси тузилмади. Муассаса бунга ҳақилими?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

5. Ходим М.Саъдуллаев техникумга 2 ойлик дастлабки синов шarti билан қабул қилинган эди. Бироқ, ходим ўзига топширилган вазифаларни тўлиқ бажара олмади. Муассаса ходимни синов даври ниҳоясига етмасдан синов натижасини “қониқарсиз” дея меҳнат шартномасини бекор қилди. Муассаса меҳнат шартномасини синов даври ниҳоясига етмасдан туриб бекор қилиши мумкинми?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

6. Фуқаро К.Баҳриев техникумга тасвирчи сифатида ишга қабул қилинган. Бироқ орадан маълум бир муддат ўтгандан сўнг техникумдаги штатлар жадвалида ўзгариш бўлгани туфайли К.Баҳриевга видеомонтаж ишлари ҳам юклатила бошлади. Сабаби у видеомонтаж технологияларини ҳам яхши билар эди. Лекин мазкур ишлар унинг шартномасидаги меҳнат шартларига киритилмаган эди. У бу ҳолатнинг сабабини сўраганида унинг шартномасидаги меҳнат шартларига ўзгариш киритилгани маълум қилинди. Муассаса бу ўринда тўғрироқ қилганми? Ходимнинг розилигисиз меҳнат шартлари ўзгартириш мумкинми?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

7. Фуқаро А.Султонов техникумга тасвирчи сифатида ишга қабул қилинган. Бироқ орадан маълум бир муддат ўтгандан сўнг марказдаги штатлар жадвалида ўзгариш бўлгани туфайли унинг меҳнат шартномасидаги меҳнат шартларига ўзгартириш киритилиб, А.Султоновга видеомонтаж ишлари ҳам юклатила бошлади. Ходим эса мазкур меҳнат шартлари асосида ишлашни рад этди. Техникум эса бундай тақдирда у билан меҳнат шартномаси бекор қилинишини маълум қилди. Ушбу ҳолатда А.Султонов қандай йўл тутиши керак?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

8. М.Азимов техникумга видеотасвирчи лавозимига ишга қабул қилинди. Бироқ орадан 2 ой ўтгандан сўнг у билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. М.Азимов бунинг сабабини сўраганда унинг дастлабки синов натижаси қониқарсиз бўлгани маълум қилинди. Лекин унинг меҳнат шартномасида дастлабки синов ўташ ҳақида ҳеч қандай банд киритилмаган эди.

Иш берувчининг ҳаракатларига амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

9. А.Бекмуродов техникумга услубчи сифатида ишга қабул қилинган. У видеотасвир бўйича ҳам билим ва кўникмага эга эди. Шу сабабдан унинг розилигиз А.Бекмуродовни видеомонтажчи лавозимига ўтказишди. У эса бу ишни рад этди. муассаса бунга ҳақлими?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

10. Ходим Д.Давронов ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб, меҳнат шартномасини бекор қилиш учун иш берувчига мурожаат қилди. Бироқ иш берувчи айтилган пайтда муассасада танлов ўтказилаётгани боис ушбу ишларга кўмаклашиб туришини ва унинг ўрнига ходим топилиши билан меҳнат шартномаси бекор қилинишини айтди ҳамда бу муддат 10 кундан ошиши мумкинлигини огоҳлантирди. Лекин, Д.Давронов у билан шартномани ўша пайтнинг ўзида бекор қилинишини талаб қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

11. Ходим А.Салимов ўрта-махсус маълумотга эга. У жорий йилда олий ўқув юртига қабул қилингани сабабли у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни сўраб, иш берувчига мурожаат қилди. Бироқ унга буни икки ҳафта олдин огоҳлантирмагани сабабли меҳнат шартномаси икки ҳафтадан кейин бекор қилиниши маълум қилинди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

12. Ходимга унинг малакаси етарли бўлмагани сабабли бошқа ишга ўтиш таклиф этилди. Бироқ ходим бошқа ишга ўтишни рад этиб, ўрнида қолмоқчилигини маълум қилди. Агар унинг талаби бажарилмаса ходим судага мурожаат қилишини маълум қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда баҳо беринг.

13 Мен ишлаб юрганимда касал бўлдим, лекин менга поликлиникадан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси берилган. Бухгалтерия нафақани тўламаймиз деяпти. Сабаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси йўқ экан. Лекин, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси борку. Шу билан нафақани ололмайманми?

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг

14. Фуқаро Ж.Муслимов таълим муассасасига қонун лойиҳаси юзасидан таклиф билан мурожаат қилди. Мурожаатни мазмунан кўриб чиқиши лозим бўлган муассаса томонидан Фуқаро Ж.Муслимовга ўн кунлик муддатда жавоб хати қайтарилди. Аммо фуқаро Ж.Муслимов юборилган жавоб хатига тушунтириш сўраган. Масъул муассаса томонидан фуқарога батафсил тушунтиришлар билан жавоб хати юборилганлиги кўрсатиб, тушунтириш берилмаслигини айтиб ўтган.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

15. Муассасага хориж фуқароси давлат тилида бўлмаган ариза билан мурожаат қилмоқда. Муассаса ходими ушбу аризани давлат тилида бўлмаганлиги сабабли, олишни рад қилмоқда. Ходимнинг ҳаракатларига баҳо беринг?

16. Муассасанинг ишонч телефонида ўзини таништиришни истамаган фуқаро телефон қилиб, ўз мурожаати борлигини айтди. Муассаса ходими агар фуқаро ўзини таништирамасан унинг мурожаати кўриб чиқилмаслигини айтди. Ушбу вазиятда ходимнинг талаби ўринлими?

17. Девонхонага таркибий бўлинма томонидан ҳужжат рўйхатдан ўтказиш учун олиб келинди. Ушбу ҳужжатнинг матнида илова кўрсатилмаган эди. Лекин ҳужжатда иловалар санаб ўтилган. Ушбу ҳужжат тўғри тузилганми?

18. Архив таркибий бўлинма ва кафедралардан ҳужжатларни идоравий архивга топширишда сақлаш муддати кўрсатилган ҳужжатлар йиғмажилди бўйича доимий ва узоқ вақт сақланадиган ҳужжатларни топшириши талаб қилди лекин таркибий бўлинмалардан бири сақлаш муддати кўрсатилган ҳужжатлар йиғмажилди бўйича ҳужжатларни архивга топшириш муддати келмаганлигини ва зарурияти йўқлигини айтиб архив бўлимини талабини рад этди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

19. Идоравий архивда доимий ва узоқ вақт сақланадиган ҳужжатларни муҳофазасини таъминлаш мақсадида йиғмажилдларни тўлиқ расмийлаштиришлари лозимлиги сабабли, айрим таркибий бўлинмалар ҳужжатларни 250 варақ, баъзиларини 350-400 варақда муқовалаган ҳолда топширмоқчи бўлишган. Аммо архив бўлими бундай ҳужжатларни расмийлаштирамасдан ҳужжатларни тайёрлашда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиб келишларини талаб қилган.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

20. Архив бўлими таркибий бўлинма ва кафедралардан ҳужжатларни идоравий архивга топширишда сақлаш муддати кўрсатилган ҳужжатлар йиғмажилди бўйича доимий ва узоқ вақт сақланадиган ҳужжатларни қоғоз ва электрон нусхада топшириши талаб қилди лекин таркибий бўлинмалардан бири сақлаш муддати кўрсатилган ҳужжатлар йиғмажилди бўйича ҳужжатларни электрон шаклда топширганларини инобатга олиб қоғоз шаклда топширишдан бош тортди.

Архив бўлимини ҳодимларининг талаблари тўғрими?

21. Техникумга фуқаро А.Ниёзов томонидан бир таркибий бўлинма ходиминининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят келиб тушди. Мазкур мурожаат кўриб чиқиш учун ушбу ходим ишлайдиган таркибий бўлинмага ижро учун юборилди. Фуқаро А.Ниёзов қонун ҳужжатларига мувофиқ мурожаат муаллифи жараён билан танишиб чиқиш ҳуқуқи борлигини билдириб мурожаат қилди. Таркибий бўлинма раҳбари томонидан рад жавоби берилиб, жавоб хатида батафсил маълумот беришини, агар тушунтириш лозим бўлса кейин мурожаат қилиши мумкинлиги маълум қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

22. Техникум раҳбарининг қабулига юридик шахсининг вакили белгиланган кунда мурожаат билан келди. Ушбу мурожаатчини раҳбар ўзининг хизмат хонасида қабул қилди. Юридик шахс вакили қабул жараёнида мулоқотни видеоёзувга қайд қилиб боришини маълум қилди. Техникум раҳбари бунга рад жавобини берди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

23. Фуқаро О.Тошматов муассасага таклиф билан мурожаат қилди. Ушбу мурожаатга белгиланган бир ойлик муддат ўтганлиги аниқланди. Мурожаат учун маъсул бўлган таркибий бўлинмадан ушбу таклифга нега вақтида жавоб қайтарилмаганлиги сўралганда, фуқаро О.Тошматовнинг ушбу таклиф кўшимча ўрганиш талаб этилаётганлиги, мазкур таклифдан янги қонун лойиҳасида фойдаланиш мумкинлигини, ушбу таклифни кўриб чиқиш муддати узок вақтга мўлжалланганлигини маълум қилиб назоратдан ечишни сўради ҳамда фуқаро О.Тошматовга бу ҳақда жавоб хати билан маълум қилишини билдирди.

Вазиятга баҳо беринг.

24. Сиз ҳуқуқшунос бўлиш учун ўқиш ва касбий фаолиятингиз давомида ҳам касбий, ҳам шахсий нуктаи назардан ўз олдингизга муайян мақсадларни кўясиз ва уларга эришиш учун бир қанча саъй-ҳаракат, чора-тадбир ва амалларни бажаришингиз зарур бўлади. Аммо дўстингизда шахсий хислатлар ва қатъият мавжуд эмас. У режалаштирган мақсадларига эришишда муваффақиятсизликка учраши ёки олдинга интилишга жазм қила олмай қолиши мумкинми? Бунда, юзаки қараганда ўхшаш, бироқ моҳиятан бир-биридан жиддий фарқланувчи икки тушунчага дуч келамиз. Булар мақсад ва орзу тушунчаларидир.

Савол: Мақсад ва орзунинг фарқли жиҳатлари нималарда намоён бўлади? Мақсадга эришишда орзунинг ўзи кифоя қиладими?

25. Қарор қабул қилиш кўникмаси ҳаётимизда жуда муҳим ҳисобланади, зеро, айнан қарорлар занжири ва тўғри танлай билишгина хоҳлаган натижага олиб келади. Тўғри қарорлар қабул қилишни қандай ўрганиш мумкин?

26. Танқид – инсон фаолиятининг бирор соҳасига алоқадор ҳодисани баҳолаш, анализ қилиш демақдир. Сиз танқидни қандай тушунасиз?

27. Бўлинмангизга шаҳар прокуратурасидан телефон орқали мурожаат қилди ва ўзини таништириб, ходмга оид шахсий маълумотларни сўради ва ушбу маълумот жиноят ишини назорат қилиш муносабати билан зарурлигини ва улар расмий сўров юборишини маълум қилди.

Савол: Сиз телефон орқали шундай маълумот бера оласизми? Изоҳланг.

28. “Оммавий маданият”ни тарғиб қилаётган ғаразли кучларга аслида ҳеч қандай маданият ва инсон маънавияти, ахлоқий қоида-ю, қадриятларнинг кераги йўқ. Уларнинг стратегик режа ва сиёсий мақсадларига эришиш, айрим мамлакатларнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, ўз измига солиш учун бу бир восита, холос.

Савол: “Оммавий маданият”ни миллийлигимиз ва маънавий-маърифий салбий таъсирини таҳлил қилинг.

29. Ходим жорий 1-ноябрь кунидан ишдан бўшатилади. 1-ноябрь куни ўз вазифасини бажармасдан фақат ҳужжатларини олиб кетди ва 1-ноябрь кунига иш-ҳақисини талаб қилди. Ходим талаби қонунийми?

30. Йўриқнома – қонун ёки бошқа меъёрий ҳужжатларни тушунтириш мақсадида чиқариладиган ҳуқуқий ҳужжат. У муассаса, корхона, муассаса, юридик шахслар ва мансабдор шахс ва фуқароларнинг ташкилий, илмий-техникавий, молиявий ва бошқа фаолият томонлари хусусида тартиб-қоида ўрнатиш мақсадида давлат ёки жамоа бошқарув органлари томонидан чиқарилади (ёки уларнинг раҳбарлари тасдиқлайди).

Топширик. Йўриқноманинг асосий зарурий қисмларини баён этинг.